"ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"ДАГИ РЕАЛИЯЛАР ТАСНИФИ, ТАВСИФИ ВА УЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

К.ЖЎРАЕВ, Б.ХОЛБЕКОВА

В статье рассматриваются классификация антропонимов, этнонимов, географических, административно-территориальных единиц, названий населенных пунктов, отдельных экономических терминов, социально-исторических и культурно-антропологических понятий, а также бытовых реалий эпохи Амира Темура, вопросы их интерпретации, сравнительный анализ перевода «Темур тузуклари» на русский язык.

The article deals with classification of anthroponyms, ethnonyms, geographical and territorial names of administrative units, names of local settlements, some of economic terms, social-historical, cultural-anthropological notions, as well as domestic realias of the epoch of Temur the Great. The author also tries to explain the problems of their interpretation and comparative analysis of translations of "Institutions of Temur" into Russian.

"Темур тузуклари"нинг тадқиқ этилмаган қирралари қуйидагилар:

I. Маъмурий-ҳудудий жуғрофий ва этнографик реалемалар.

1. Арҳанг, Бағдод, Бохтарзамин, Гуржистон, Дарагез, Дарайи Арсиф, Гилон каби юзлаб жуғрофий тушунчалар;

2. Аймоқ (баъзан – уймоқ), сулдус, эркинит, керайит, катур, муайяд, орлод қаби ўнлаб этнографик тушунчалар;

3. Абдулқодир Жилоний, Абулмансур Али ибн Абу Толиб ал-Ҳусайний Толиб, Али ибн Мусо Жаъфар каби юзлаб антропонимлар;

II. Вақф, деҳқон, жариб, жогирдор, молу жиҳот, мулк, муҳосиб, пешкаш, раият, сари шумор, суюрғол каби иқтисодий тушунчалар;

III. Багтар, жавшан, зириҳ, дор ул-аморат, дор ул-адолат, кориз, лангархона, маҳак тоши, олачуқ каби юзлаб маиший хос сўзлар;

IV. Баковул, тавочи, филбон, хўди, коскан**,** жавшан**,** таркаш, баронғор, фавж, чаповул, шиқовул каби юзлаб ижтимоий ва тарихий хос сўзлар. Буларнинг барчаси "Темур тузуклари"нинг ўзбекча ва рус тилида чоп этилган Н.Остроумов нашри билан Ҳамидулла Кароматов таржимасини қиёсий ўрганиш йўли билан талқин этилади.

Ҳар икки русча таржимада ҳам ҳозирги замон таржимашунослиги қонун-қоидаларига тўғри келмайдиган жиҳатлар бор. Уларни аниқ тасаввур қилиш учун иккала матндан олинган мисолларни кетма-кет келтирамиз:

Азис-Эддин → Азизуддин; Альджайт → Ульджайт; Али-Бек-Чун-Гарбани → Алибек джани курбани; Берангман → Бурхан-оглан; Берлас Бехадер → Барлас-Бахадур; Бехрам Джубин → Бахрам Чубин; Джархан → Казаган; Жарагай-Хан → Чагатай-хан; Зельтуз → Сулдус; Идер-Андухуд → Хайдар Андхуда... рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Янги русча (1999) таржиманинг юз йил аввалгисига нисбатан мукаммал эканлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Шундай бўлиши табиий. Чунки дастлабки таржима гимназия ўқувчилари томонидан бажарилиб, малакали филолог-маслаҳатчи қўли билан унга жило берилган. Янги нашр эса шарқшунос ва таржимашунос қаламига мансуб.

"Темур тузуклари"да учрайдиган ижтимоий-тарихий ва иқтисодий тушунчаларни таржима қилиш маълум муаммолар туғдиради. Бу тоифадаги истилоҳлар замон ва маконга нисбатан таҳлил қилинганда, уларнинг маъно доирасида юз берган ўзгаришларни сезиш мумкин. Ана шу ўзгаришлар таржимада акс этмай қолса, матндаги воқелик ҳам ўзгаради ва ўқувчида нотўғри тасаввур ҳосил қилади. Воқеликни борлиғича ифода этиш учун унинг туб моҳиятини англаб етиш зарур.

Масалан, ер эгалари, заминдорлар Амир Темур яшаган даврларда *деҳқон* деб аталган. Маълумки, бундай деҳқон билан унинг ерида ишлайдиган деҳқон ўртасида катта фарқ бор. Бири – бой, иш юритувчи бўлса, иккинчиси – камбағал, тер тўкиб, ердан ҳосил ундиради. Амир Темур буни тўғри фарқлаган ҳолда, ёзади: "Кадхудолар, калонтарлар, *деҳқонлар* (таъкид бизники – *муаллиф*) ва *экин майдонларига ишлов берувчилар*ни (мўзорион) кўнглини хушнуд этиб, ўзларига қаратсинлар" [26:96]. Академик Б.Аҳмедов *деҳқон* сўзини *қишлоқ аҳолиси, ўрта асрларда йирик ер эгаси* деб изоҳлаган. Бу жумла Н.П.Остроумов нашрида "Я требовал, чтобы... земледельцы были ограждены от насилий", дейилган. Таржимон *земледелец* ва

землевладелец сўзларини ўринли ишлатмаган, натижада энг керакли *деҳқон* сўзининг маъноси акс этмай қолган. 1999 йил нашрида эса таржимон бу сўзни атама ҳисоблаб, ўгирмаган: “[Пусть] склоняют на свою сторону кадхуда, старейшин, знать, *дехкан* и *землепашцев*” [27:121]. Янги таржимада ҳам изоҳталаб сўзни олиб ташлаб, ўрнига *йирик ер эгаси* деган тушунчани ифодаловчи сўзни ёзса бўлаверар эди. Чунки матнда ҳадеб “экзотика” таъкидланаверса, бу китобхоннинг ғашини келтиради, у доим матн остидаги изоҳга ёки китоб охиридаги нотаниш сўзлар луғатига қарашга мажбур бўлади, бу эса ўқувчининг фикрини чалғитади.

Таржимон асардаги ҳар бир сўз ёки иборани шунчаки қоғозни қорайтириш учун эмас, чуқур маъноси билан китобхонда аниқ бир ҳис-туйғу уйғотиш учун киритилган фаол вазифадош унсур деб қарайди. Ҳар бир сўзда қандайдир иероглифларни эмас, катта ҳаёт нафасини сезади. Мисол учун, *вақф, деҳқон, жариб, жогирдор, молу жиҳот, мулк, мухосиб, пешкаш, раият, сари шумор, суюрғол, тиюл, улуфа, хазинадор, хирож, холиса, қалақчи, қўналға* ҳамда *фарсанг, мисқол* каби ўлчов бирликлари, *дирҳам, динор, танга* каби пул номларининг берилиши эътиборга молик.

“Тузуклар”да “...вақфларни бошқариш ва назорат қилиш учун мутаваллий танлашни... ҳавола этдим” [26:57], – дейди Соҳибқирон. Ҳар икки русча матнда бу сўз *вакуфная земля, вакуфное имущество* тарзида *транслитерация* қилиниб, саҳифа остида изоҳи берилган. Солиқ турини ифодаловчи *улуфа* калимаси ҳам экзотик лексика тарзида тақдим қилинмай, рус тилидаги жуда ўринли муқобили *по́дать*, *налог* сўзларидан бирини танлаганда яхши бўларди.

Амир Темур Сеистонга юриш қилишга отланганда, бу юрт волийси Соҳибқиронга совға-саломлар билан бирга хат йўллайди ва унда “агар мендан душман қўлини қисқа қилсалар, аскарларига олти ойлик *озиқ-овқат* етказар эдим”, деган эди. Бу ерда *улуфа*нинг моддий ифодасини кўриб турибмиз. 1999 йил нашрида эса: “Если вы укоротите руки моих врагов, обязуюсь поставить вашим воинам шестимесячную улуфа”. Русча матнда ҳам, ўзбек тилидагидай, *провиант* ёки *корм* деб таржима қилса ҳам у тўлақон ўгирилган ҳисобланар эди. Лекин айтиб ўтиш лозимки, ҳар иккала мисолда *қўлини қисқа қилмоқ – укоротить руки* турғун бирикмаси сўзма-сўз ўгирилган кўринади. Бу ерда балки *тийиб қўй* ёки *адабини бериб қўй* дейиш маъқулдир? *Қўли қисқа* ибораси камбағаллашишга ишорага ўхшаб кетади.

Пул бирликларини таржима қилишнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор. Юқоридаги *улуфа* сўзи маош маъносида ишлатилганида, бу миқдор динор, дирҳам ёки танга билан ифодаланмайди. Аксинча, кўп ҳолларда у ашёвий компенсация қилинади. Масалан, “Тузуклар”нинг ”Сипоҳга *улуфа* бериш” бобида курсивдаги (*улуфа*) сўз матн остида изоҳланиб, матн ичида унинг асл маъноси *маош* қўлланилган. Яъни оддий сипоҳийнинг маоши минган отининг баҳоси бўлсин, дейди таржимон. Остроумов нашрида ҳам шунчаки *жалованье* деб туриб, кейин унинг нима билан тўланиши айтилади: “Жалованье простого солдата, храброго и деятельного, равнялось *стоимости его лошади*; оклад отборного воина простирался *от стоимости двух до стоимости четырех лошадей*”. Рус китобхонига бундай талқин тушунарлироқ. 1999 йил нашрида аслиятга садоқат кучли. Таржимон бу ахборотни қуйидагича ўгиради: “Рядовому воину, при условии исправной службы, выдавать *улуфа,* равную стоимости его лошади. Бахадурам назначить улуфа, равную стоимости от двух до четырех лошадей” [27:88].

Динор ва *дирҳам* – Амир Темур даврида муомалада бўлган тилла ва кумуш тангалар. “Тузуклар”нинг иккинчи фаслида Соҳибқирон амирлари ва сипоҳийларидан динор ва дирҳамларни дариғ тутмаганлигини айтади. 1894 йил нашрида сипоҳийларга “пул” бермай анча мавҳум тарзда “марҳамат” (милость) кўрсатилади, холос. Аммо 1999 йил нашри боягидай дирҳам ва динор улашаверади [25:67]. Агар пул миқдори аниқ тарзда кўрсатиладиган бўлса, унда, таржимашунослар С.Флорин ва С.Влаховлар таъкидлаганидек, бу миқдор от, мол, қуй боши ёки мардикорчилик тажрибасида ишлатиладиган иш ҳақи – “кунига, масалан, 1 килограмм гўшт нархи” қимматида белгиланади. Чунки динор ва дирҳамни сўм, рубл, доллар ёки еврога айлантириб юборсак, ўгириладиган асарнинг миллий, даврий, макон (ҳудудий) руҳига путур етказилади.

Жаҳон таржимачилигида реалия деб ҳамма сўзларни транскрипцияда ёки транслитерация усули билан ағдараверишни шу соҳа қонун-қоидаларига тўғри келмайди. Бу ёзилмаган қонун-қоида А.В.Федоров, Ғ.Т.Саломов, С.Флорин, Вл.Россельс асарларида белгилаб қўйилган. Ҳ.Карометовнинг “посевную площадь разделить на три части *джериба*” деган гапидаги курсивдаги сўзни, академик Б.Аҳмедов изоҳлагандек, 3600 газ ёки 1 танаб, деб ўгирсак, буни ҳеч ким тушунмайди. Бечора китобхонга на таржимон, на матн остидаги изоҳ ёрдам бера олади. 1991 йил нашридаги 958 кв.м.га тенг майдон деб берилган изоҳдан бир

нарсани тушуниш мумкин. Шунинг учун булғор таржимашунослари шундай вазиятларда рақамни яхлит ҳолга келтириб, *ярим гектар* тарзида ифодалашни маъқул кўришади.

Алихонтўра Соғуний ва Ҳамидулла Кароматовларнинг ўзбекча таржимасида *пешкаш* сўзи реалия сифатида тақдим этилган («…Хазина ва тамом бойлигини менга *пешкаш* қилди» – 26:41) ва китоб тагматнида *тортиқ* деб изоҳланган. Аслида эса бу бемалол таржима қилиниши мумкин бўлган росмана, оддий, услубий бўёққа эга бўлмаган форсча калима. Китобнинг 1999 йил нашри бу нуқсонни бартараф қилган ва "[Гиясуддин] был вынужден покинуть город и преподнести мне казну и все свое состояние" [27:53], деб таржима қилинган.

Қолган бошқа иқтисодий-тарихий атамалар, хос сўзлар ва таржима қилинмай қолдирилган сохта реалиялар ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Бу билан бошқа тилдаги матн ноўрин қалаштириб ташланган экзотикадан ҳоли бўлади. Китобхон эса мазмунан бой, мантиқан асосли, шаклан ифодали, таъсирчан асарга эга бўлади.

Маиший хос сўзлар қаторига кирадиган кийим-кечак ва тақинчоқларнинг номини билдирувчи *бағтар, жавшан, зириҳ, коскан, мандил, соврун, хирқа, сармуза, ўтоғ* каби реалиялар таржимасига келсак, уларга муқобил эквивалент қидириш лозим. Бу усулни таржимашунос олим Ж.Бикман [Beekman-1] "Idiomatic versus Literal Translations" ва "Literalism" a Hindrance to Understanding" мақолаларида "идиоматик таржима" деб атаган ва бу атамадаги *идиоматик* сўзини асло *идиома, фразеологизм* сўзлари билан боғламай, *мукаммал* таржимани назарда тутади. Буни америкалик таржимашунослар Ю.Найда "Toward a Sciense of Translating" деб номланган китобида, кейин Ч. Тейбер билан ҳамкорликдаги ёзган "The Teory and Practice of Translation" мақоласида *динамик муқобиллик* деб атаганлар.

Масалан, *мандил* ўзбек тилига *салла,* рус тилига *чалма* ва *тюрбан,* инглиз тилига фақат *turban* деб ўгирилган. Чиғатой, ўзбек, рус, инглиз ва бошқа барча тилларда ҳам бу реалия китобхонда Шарқ ва унинг қадимги маданияти тўғрисида тасаввур ҳосил қилади.

1999 йилги русча таржимада *мандил* умумий ном билан [*головной убор*] ўгирилган, ваҳоланки бу ерда унинг *тур* тушунчасини бериш керак эди: "Я возблагодарил его и возложил на его [*туркмена Мухаммада*] голову свой головной убор" [31-бет]. Рус ўқувчиси бундан Шарқда бош кийим совға қилиш анъана эканлигидан бохабар бўлади.

1991 йилги ўзбек тилига қилинган таржимада ўқиймиз: *"Буни эшитиб ерга бош қўйиб Тангри таолога шукр қилдим. Дарҳол Қозончини ҳузуримга олиб келиш учун одам юбордим. У келгач, тиз уриб, оёқларимни ўпди. Мен ҳам унинг кўнглини олиб* ***ёғлиғимни*** *бошига қўйдим. Сўнг бу ердан юриб Дарайи Арсиф деган жойга келиб тушдим"* [26-бет].

1999 йил таржимаси: *"Я возблагодарил Всевышнего Аллаха и велел привести Казанчи-бахадура* [бывшего нукера Амира Темура]. *Явившись ко мне, он преклонил колени и припал к моим ногам, целуя их. Я обласкал его, надел на его голову свою* ***чалму*** *и направился к Дара-и арсиф"* [35-бет].

Инглиз тилида: *"I bowed in gratitude to Almighty God, and I sent orders for Qazanchi to approach. And he came, and he kissed my feet. And I received him with affection, and I placed my own* ***turban*** *on his head".*

Агар таржимон "*Ёғлиғимни* бошига қўйдим" сўз бирикмасини *I gave him my turban* (яъни, "унга *салламни* ёки матности изоҳдагидек – *бош кийими, рўмолча, ёғлиғ* бердим") деб ўгирганида, *turban* сўзи таниш бўлган ўқувчига бу ҳолат ноаниқ бўлар эди. Шунинг учун *I placed my own turban on his head* (яъни, "унинг бошига кийдирдим") варианти маъқулроқдир.

Таржимага оид бундай ҳодисаларни кўплаб келтириш мумкин, бу эса ушбу мақола ҳажми талабларига тўғри келмайди. Шунинг учун бу масалага алоҳида тўхталишни ният қилган ҳолда, қисқача хулоса қиламиз.

1. "Темур тузуклари" даги реалияларни таржима қилиш жараёнида таржимонлар асосан *транскрипция* ва *яқин таржима* методларидан фойдаланишган. Транскрипция шаклни сақлаш учун жуда қулайдир, лекин бунда ҳар доим ҳам маъно сақланавермайди. Яқин таржима реалия мазмунини ўша типдаги мавжуд воситалар билан бериб борилгандагина ишлатилади. Бу усуллар билан реалиялар мазмунини очиб бериш мумкин, лекин колорит – давр руҳи унчалик сақланмайди. Масалан, *зафарманд, ғолиб* маъноларини англатувчи *Абулмансур* – хос сўз, лекин у Остроумов нашрида *герой мира* деб ўгирилган.

2. Таржимада асардаги миллий руҳни қайта тиклаш учун реалияни *транскрипция* қилиш, матн остида *изоҳлаш,* муқобил *эквиваленти билан алмаштириш*, *транслитерация* ва *транспозиция* усулларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Жаҳон таржимашунослигида синаб кўрилган бу услуб "Темур тузуклари"нинг барча тилларга таржималарида қўл келади.

Таржимада нима бирламчи: мазмунми, шаклми?

Таржимашуносликда шаклбозлик деган иллат бор. У айниқса бадиий таржимада кўпроқ учрайди. Таржимавий шаклбозликнинг моҳияти нимадан иборат? Эътибор қилсак, ўгирилаётган матндаги гапни айнан таржима тили тартибида бошлаш шу иллатга сабаб экан. Бундай таржима асл нусхаси билан қиёсланса, ундаги ҳар бир гап, ибора, сўз ва ҳатто нуқта-вергулларгача ”ўз ўрнига” тушгандай туюлади. Аммо унда асл нусха билан ҳайрон қоларли даражада шаклий мувофиқлик бўлган ҳолда, сиртдан силлиқ ва чиройли кўринган жумлаларнинг маъносини тушуниш учун уларнинг қолипини бузишга, яъни, масалан, ўзбек тилига шу йўсинда ”таржима” қилинган асарни яна таржима қилишга тўғри келади.

Шаклбозлик таржиманинг қуруқ ва саёз бўлиб чиқишига, асарнинг бадиий (ёки тарихий) оҳорини тўкишга сабаб бўлаётган асосий иллатлардан биридир. Бадиий таржимада шакл ва мазмун бирлиги диалектикасининг ўзига хос хусусияти бор. Асарнинг шакл ва мазмун бирлигини сақлашни ундан нусха кўчириш ёки қуруқ тақлид қилиш маъносида эмас, балки шу асар таржима қилинаётган тилнинг имконияти ва хусусияти доирасида қайта яратиш маъносида тушунмоқ керак. Бунда асл нусха билан таржиманинг шакли тамомила фарқ қилиши, баъзан эса бутунлай тескари бўлиши ҳам мумкин, лекин улар англатган маъно бир-бирини қоплаши лозим. Башарти, асл нусха билан таржимада гап шаклан монанд бўлса-ю, аммо мазмун чиқмаса, бу шаклбозликнинг айнан ўзгинаси.

Таржима амалиётида шундай қалтис ҳолатлар ҳам учраб туради: баъзи одамлар *сийқа ибора* маъносини англатадиган ”школьное выражение” бирикмасини ўйламай-нетмай ”мактабга хос ибора” деб талқин қиладилар. *Мийиғида кулди* маъносини ифодаловчи ”смеялся под усы” бирикмасини зўр садоқат билан “мўйлови остидан кулди” дейишади ва ёзишади. Худди шунингдек, бошқа жуфтликларга эътибор беринг: заглядывалась на муху – пашшага назар солди; сгущать атмосферу – атмосферани оғирлаштирмоқ; драматические события – драматик ҳодиса; ҳамир учидан патир – лепешка из теста.

Шу каби сон-саноқсиз, ғализ иборалар, ясама гаплар чинакам шаклбозлик натижаси бўлиб, тилни бузишга, сийқалаштиришга, қашшоқлаштиришга олиб келадики, оқибатда, бу ўқувчининг кўнглини лоҳас қилади, бадиий дидини ерга уради.

"Темур тузуклари"нинг 1894 йил нашрида таржимонлар асарга садоқатини кўрсатиш мақсадида ортиқча чиранишган кўринади. Дастлабки русча таржимада аслий матндаги ҳарбий, ҳуқуқий, тарихий ва географик истилоҳларни европавийлаштириб бериш (*бек – князь, ҳировул амири – генерал, полковник* ва шунинг каби хос атамалар) тарихий ҳақиқатга зид бўлганлигидан давр руҳини ҳам, муаллиф – Соҳибқирон дунёқарашини ҳам нотўғри талқин қилинишига олиб келган эди. Маълумот учун айрим лавҳаларни мисол келтирамиз.

1. “Первый был *лейтенантом* второго, второй – третьего и т. д. до 12-го, который был главнокомандующим; и этот последний был моим лейтенантом; таким образом, в случае крайности низший исполнял обязанности своего старшего начальника”.

2. Каждый офицер имел одного *лейтенанта* или преемника. В случае смерти какого-нибудь офицера его заменял преемник, который назывался кандидатом на начальствование.

3. Воодушевляемые своим *генералом*, они подступают к городу Мадаину, где находился дворец монарха, низвергают его с персидского трона и возводят Хорзу-Первиза.

4. *Полковник* авангарда помещался против трона;

5. Эмир, который выкажет свою храбрость в деле, который разобьет неприятельский *батальон,* заслуживает повышения.

Взвод, рота, полк, дивизия, сержант, капитан, подполковник сўзлари – ҳарбий бўлинма ва унвонлар номи ҳам қўшилишиб қолган. Соҳибқирон амирлари, амирзодалар Рустам, Пирмуҳаммад Жаҳонгир, Муҳаммад Султон, Абу Бакр, Амир Ҳусайн, мингбоши, юзбоши, ўнбоши, ясовуллар, Боязид Йилдирим, Илёсхўжаларни гимнастёрка ва шинелда, бўйинларида ҳарбий галстук, телпаклари, ёзда эса – фуражка ва пилоткаларида кокарда, елкаларида погон, погонларда кичик ва катта офицерлар, генерал ва маршаллик юлдузлари қадалган ҳарбийларни тасаввур қилиб кўриш мумкинми?

Остроумов нашрида турли халқлар ва даврларга мансуб хос сўзлар қурамасидан ташкил топган формалистик, шаклбозликка асосланган нуқсонлар таржимашунослару мутаржимларни зийрак, эҳтиёткор бўлишга, матнда назарда тутилган экстралингвистик омилларга нисбатан хушёрликка ундайди. Филолог-профессор-таржимон ва тарихчи-академик-муҳаррир қўлидан чиққан 1999 йил нашридаги нисбий ютуқлар ва баъзи қусурлар синчковлик билан қайта кўриб чиқилиши лозим.

Таржима шундай нарсаки, унинг устида қанча ишласанг, шунча оз. Мукаммалликка эришиш учун унга қайта-қайта мурожаат қилаверасан, илгари кўзга унчалик ҳам кўринавермаган майда доғларни тузатасан, дидингга ёқмаган сўз, ибора-

ларни алмаштирасан ва ҳоказо. Буни баъзилар ”косметик” таҳрир дейишади.

Янги таржима – биринчи замонавий таржима. Шунинг учун унда айрим қусурларнинг учраб туриши ҳам табиий. Унинг ҳали бир неча қайта нашрлари бўлишини сезиб турибмиз. Шунда биз Соҳибқирон бобомизнинг насиҳату кўрсатмаларини *мазза* қилиб ўқиймиз.

Назаримизда, ҳар қандай таржимада қуйидагиларга эътибор қилиш керакка ўхшайди.

1. Таржиманинг биринчи сатрларидаёқ *кои, дабы, сокрыт, злато* каби эскирган сўзлар учрайди. Таржимон бу билан асарда давр руҳига ишора қилмоқчи бўлган. Лекин бусиз ҳам тузуклардан ўша замон руҳи сезилиб турибди. Китобхон Соҳибқироннинг иссиқ нафасини туйиб туради. Асарнинг ҳар бир сатрида буюк бобомизнинг ”Мен”и жаранглайди. Шунинг учун таржиманинг ҳар ҳолда бугунги – XXI аср ўқувчисига мўлжалланганлигини унутмаслик керакка ўхшайди. Балки асарнинг тили ва услубини бироз нейтрал ҳолатга келтириш лозимдир.

2. Биринчи абзацдаги *завоевание, покорение, рассеивание, завлечение, расположение, обхождение* каби феълдан ясалган мавҳум отлар ўрнига аниқ иш-ҳаракатни ифодаловчи сўзлардан фойдаланилса, бундай таржима китобхоннинг нафис диди ва шуурига яратувчан руҳ бахш этган бўларди, деб ўйлаймиз.

3. Бизнингча, ўзбек (1991) ва рус (1999) тилларидаги янги таржималар саҳифаости изоҳлар билан ҳаддан ташқари тўлдириб юборилган. Бу китобни ўқишни қийинлаштиради. Ундаги маънони эстетик қабул қилиш, яъни шуурий роҳатланиш сусаяди. Шу нуқсонга ўхшаган ҳолатни бартараф қилиш учун, назаримизда, Остроумов услубини қўллаш маъқул кўринади. Чунки унинг нашрида бирорта ҳам матн ости изоҳи йўқ. Улар иложи борича шу матн ичига сингдириб юборилган. Аслият ёки бошқа таржималар билан қиёсламай ўқилса, 1894 йил нашрида таъсирчанлик, ҳиссий тасаввур, самара (ёки эмоционал эффект) анча сезиларли туюлади.

4. "Темур тузуклари"нинг 1991 йил нашри, аввало, энг сифатсиз қоғозга босилган. Яхши рангли тасвир хунукдан хунук ”қурт қоғоз”га чиқарилган. Бу китобхоннинг дидига ҳам акс таъсир қилади. Бу биринчидан. Иккинчидан, атамалар (баъзан сохта атамалар) матн остида ҳам, матн ичида ҳам тавсифлаб берилган: емак-ичмак (луқма), кийим-кечак (хирқа), босқин қилиш (туртоз), Пули сангин (Тош кўприк) – (32) → жалованье и амуниция, проявить проворство; Пул-и сангин – (42); карнай (нафир), байроқ (алам), ноғора (табал) – (82) → литавры и знамя; хоругвь и карнай; барабан –(104); Қабр (равза) – (97) → усыпальница – (121) ва ҳоказо. Таржимада иккаласидан бирини танлаган маъқул.

Рус тилидаги ажратиб кўрсатилган *кожаный ранец* ва *челядь* ҳамда *зиндиқлик*ни *ересь* деб ўгирилишини таржимоннинг зўр ютуғи деб ҳисоблаймиз. Чунки улар энг мақбул муқобиллар.

5. 1991 йил нашрида “Жете лашкари “ал-фарор”, “ал-фарор” дея чекиндилар” (33-бет) жумласи бор ва унда “ал-фарор” сўзи матн остида фақат *”Қуръон”, 33-сура, 16-оят* дейилган ”Ал-фарор” калимасининг маъноси очилмаган. 1999 йилги рус тилидаги матн «войско Джете отступило, восклицая *"Бежим!"*» (44-бет) масалага аниқлик киритган.

6. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ўтган давр ичида мустаҳкам оёққа туриб олди. Энди буюк Соҳибқирон бобомиз маънавий меросини кенгроқ ёйиш учун унинг китобларини қайта-қайта ва сифатли чоп этиш мақсадга мувофиқ. Лекин бунда ўзбек тилидаги атамалар ва номлар хорижий тилда ҳам ўзбекча жаранглаши лозимлигига эътиборни кучайтириш лозим.

Адабиётлар:

1. Темур тузуклари. / А.Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси.- Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
2. Уложение Тимура / пер. Х.Кароматова. - Т.: Изд-во Литературы и искусства имени Г.Гуляма, 1999.
3. Уложение Темура (Тамерлана). Под редакцией Н.Остроумова.- Казань, 1894; http://e-samarkand.narod.ru/ulojeniya4.htm
4. Beekman J. Idiomatic versus Literal Translations // NOT. 18.P.1-15.
5. Beekman J. “Literalism” a Hindrance to Understanding // TBT. 17. P.178-189.
6. Nide E. 1964. Toward a Sciense of Translating. Leiden.
7. Nida Eugene A., Taber Charles R. 1969. The Teory and Practice of Translation / Leiden.

Андижон давлат университети,
2013 йил 25 январда қабул қилинган